

## «Хадичаи Кубро» аёл-қизлар ўрта махсус ислом таълим муассасасида Қуръон мусобақаси ўтказилди



16:27 / 22.04.2024 3347

Жорий йилнинг 20 апрель куни «Хадичаи Кубро» аёл-қизлар ўрта махсус ислом таълим муассасасида «Қуръон мусобақаси - 2024» бўлиб ўтди.

Мусобақага Тошкент Ислом институти «Таҳфизул Қуръон» кафедраси Қуръони Карим ва тажвид фани ўқитувчилари **Исломхон қори Убайдуллаев, Валихон қори Азимбоев, Зафар қори Маҳмудов**, «Кўкалдош» ўрта махсус ислом билим юрти мудирини, устоз Абдуҳаким қори Матқулов, билим юрти ўқитувчиси Авазбек қори Давлатов ҳамда юртимизда аёллар илми ва савиясини оширишда етакчилик қилиб келаётган фазилатли устоза **Одинахон Муҳаммад Юсуф** ташриф

буюрдилар.

**Мусобақа 3 босқичда бўлиб ўтди:**

1. Мураттаба йўналиши (30 пора);
2. Ҳифз йўналиши (15 пора);
3. Тиловат йўналиши.

**«Мураттаба» йўналиши бўйича:**

- 1-ўринга Абдуллаева Зилола 2-курс талабаси;
- 2-ўринга Абдурасулова Раҳнамо 3-курс талабаси;
- 3-ўринга Абдуқаҳҳорова Шарифа 3-курс талабаси муносиб деб топилди.

**«15 поралик ҳифз» йўналиши бўйича:**

- 1-ўринга Ўринбоева Фарангиз 1-курс талабаси;
- 2-ўринга Аҳмадова Барно 2-курс талабаси;
- 3-ўринга Бойтурсунова Робия 3-курс талабаси муносиб деб топилди.

**«Тиловат» йўналиши бўйича:**

- 1-ўринга Баҳодирова Малика 1-курс талабаси;
- 2-ўринга Турдалиева Шаҳзода 1-курс талабаси;
- 3-ўринга Турғунбоева Муқаддас 2-курс талабаси муносиб деб топилди.

Таълим муассасаси раҳбарияти томонидан шундай фарзанд тарбиялаганлари сабабидан мусобақа иштирокчиларининг ота-оналарига ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди.

Шундан сўнг Рамазон ойида «**Хатмул Қуръон**» бўйича пешқадам талабаларга ташаккурномалар топширилди.

Тадбир сўнгида таълим муассаса маъмурияти томонидан қимматли вақтларини аямасдан ташриф буюрган фахрий устозларга ташаккурномалар топширилди.

Тадбир таълим муассасаси талабалари томонидан қилинган хатмларнинг дуолари билан муассаса ҳаққига дуолар қилинган ҳолда кўтаринки руҳда яқунланди.